

Илмни ёшликда ўрганган афзал



12:00 / 05.04.2019 7303

رَجَّحْ لِي فِي شِقِّ نَلَاكَ رَعِّصْ لِي فِي مُلْعَلِ أ

Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир.

Илм олиш учун энг афзал давр бу инсоннинг ёшлик чоғидир. Чунки ёшликда боланинг хотираси кучли бўлади. Бу вақтда олинган илм бола хотирасида узоқ вақтгача сақланиб қолади. Шунингдек, ёшликда ҳар хил ташвиш ва юмушлардан узоқ бўлган боланинг фикри фақат ўқишда бўлиб, натижада у илмни яхши ўзлаштиради. Катта бўлиб, ишлари кўпайгач, фикри бўлинади ёки илм олишга вақт ажратолмай қолади. Афсуски, аксарият болалар айна илм олиш пайти келганда ҳам ўйин-кулги ва бекорчи машғулотлар билан овора бўлиб юраверадилар. Ота-оналари ҳам: “Ҳали фарзандимиз ёш, катта бўлгач ўқир”, дея бунга бепарво қарайдилар. Аслида бола тахминан 3-4 ёшларида хотираси энг яхши ишлайдиган давр

бўлади. Ўша пайтдан бошлаб, болани секин-аста илмга жалб қилиш яхши натижа беради. Сўзимизни далили сифатида бир мисол келтирамиз. Машҳур аллома бобомиз Абу Али ибн Сино 4 ёшида Қуръони каримни тўлиқ ёд олган. Бундан ташқари, тарих, фалсафа, тиббиёт, мантиқ ва бошқа фанларни чуқур ўзлаштирган. Ўн саккиз ёшигача ҳаётида керак бўладиган барча илмларни мукаммал ўрганиб, машҳур олим, табиб даражасига кўтарилган. Бундан келиб чиқадики, ота-оналар фарзандларини ёшлик давридан унумли фойдаланиб, керакли илмларни эгаллашлари учун қулай шароитларни таъминлаб беришлари лозим.

أَرِيْبَكَ مَدَقَّتْ يَوْمَ لَأَرِيْعَ صَوْمَلَعَتَيْ مَلْ نَوْمَلْ

Ким ёшлик чоғида илм олмаса, катта бўлганида юксалмайди.

Ушбу мақолни икки хил маънода тушуниш мумкин:

1. Ким ёшлик чоғини ғанимат билиб, илм эгалламаса, катта бўлганида бунга илож топа олмайди. Кишининг ёши кексайган сари унинг хотираси пасайиши ҳам бор ҳақиқат.
2. Ким ёшлигида илм олмаса, катта бўлганида бирон поғонага кўтарила олмайди, инсонлар орасида ҳам энг кейинги ўринда туради, чунки унинг илм-маърифати йўқ. Илм инсонни юксалтиради ва равнақ топишига ёрдам беради. (Лекин, ўрни келганида шуни ҳам айтиб қўйиш лозимки, илм фақат бирон мартабага эришиш учунгина ўрганилмайди).

عَارَزَلُّ صِرَالُ بِيَطَاتْ أَمَكْ مَلْغَلُّ بَلْقَلُ بِيَطِي

Ер экин экиш учун тозалангани каби қалб ҳам илм учун тозаланади.

Илмнинг макони қалбдир. Маълумки, илм эзгулик ва нурдир. Киши илмни пухта эгаллаш учун қалбини турли хил маънавий иллатлар, жумладан кибр, ҳасад, гина, кудурат, ғийбат ва шу кабилардан тозалаши лозим. Ушбу камчиликлар бор қалбга илм яхши ўрнашмайди, тезда унутилади ёки бирон манфаат келтирмайди. Шунинг учун илм олишга киришаётган киши биринчи навбатда қалбини тозалаши, сўнгра яхши ният билан илм таҳслига ўтиши керак.

Бола ёшлигида хотираси кучли, қалби тоза ва беғубор бўлади. Бундай пайтда олинган илм ҳар тарафлама пишиқ ва мустаҳкам бўлади. Демак, ота-оналар бу борада масъулиятлироқ бўлсалар, фарзандларининг камолга етиб, олим бўлиб, дини ва юртига фойдасига тегадиган чин инсон

бўлишида ҳисса қўшган бўладилар.

Одилхон қори Исмоилов